



Received: June 1, 2021
Accepted: June 22, 2021
Available online: June 25, 2021

Дилшод Насриддинов

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
таянч докторанти
Тошкент, Ўзбекистон

Dilshod Nasriddinov

PhD Student, Uzbekistan State World
Languages University
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: dilshodnasr@gmail.com

ФЭНТЕЗИ АСАРЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИГА ОИД ИЛМИЙ ТАЛҚИНЛАР

АННОТАЦИЯ

Глобал ривожланиш жараёнида барча фанлар соҳаларида янги билимлар пайдо бўлди. Шу жумладан, жаҳон адабиётида фэнтези ўзининг барқарор ўрнига эга бўлган йўналиш сифатида кўрина бошлади. Мазкур мақолада фэнтези йўналиши вужудга келишининг ўзига хос фундаментал асослари, унинг таркибини шакллантирувчи миф, эртак ва рицарлик романларига оид муайян масалалар илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Фэнтези ҳақида хориж олимларининг илмий қарашларини ўрганган муаллиф уларга муносабат билдириб, ўз илмий-назарий ёндашувларини асослаб берган. Бугунги адабий танқидчиликда кам ўрганилган бу мавзу, албатта, адабиётшунослар ва китобхонлар эътиборини тортади, фэнтези ҳақидаги айрим чалкаш фикрларни ойдинлаштиришга хизмат қилади. Адабиётдаги ҳар бир ҳодисанинг ўз тарихи ва келиб чиқиш сабаблари мавжуд. Фэнтезининг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлган омиллар, аниқроғи, муҳим фундаментал асослар бор. Фэнтези адабиётида эпик, мифологик, ишқ-муҳаббат руҳидаги асарларга, сатира, тарихий асар, утопик эртак, халқ эртаклари ва масалаларга тез-тез дуч келамиз. Замонавий фэнтези адабиётининг ривожланиш босқичида бу масалаларга эътибор бериш унинг моҳиятини тўғри тушунишга имкон беради. Фэнтезида турли кичик эпик турларнинг қўлланилиши ундаги ранг-барангликни ва таъсирчанликни ошириш учун хизмат қилади.

Тадқиқотнинг мақсади – фэнтези асар-

SCIENTIFIC INTERPRETATION OF FANTASY WORKS AND THEIR TYPES

ANNOTATION

In the process of global development in all areas of science, various new knowledge has appeared. Including fantasy in world literature fantasy which began to be considered as one of the significant directions of the literature. In this article, the researcher proves the fact that fantasy has its own fundamental basis in the formation of this area, and the scientific theory of myths, fairy tales and knights, components of the fantasy content. The author justifies his scientific and theoretical approach to the scientific views of foreign scientists with respect to Fantasy. This attracted the attention of all literary critics and readers, and also caused various confusing ideas about fantasy. While each phenomenon in the literature has its own history and cause, the origin of fantasy has its fundamental basis for the creation. In the fantasy literature, there are often epics, myths, and works in the spirit of love, satire, historical works, utopian fairy tales, folk tales and parables. It is very important to study them at the stage of development of modern fantasy literature. Using in fantasy various small epic types contributes to the emergence of means of enrichment in its diversity and impressions.

The aim of the study is to provide readers with literary criticism on fantasy works and their components on a scientific basis and improve their views on fantasy, and also awaken their interest in fantasy. In this regard, many sources were used. The study used the hermeneutic method. In the result of the study, the works of fantasy and their features will be disclosed. Provided scientific

лар ва уларнинг таркибий қисмларини илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва унинг натижаларини адабиётшунос ва китобхонларга тақдим этиш, уларнинг фэнтези адабиётига муносабатини тўғри шакллантириш ва фэнтези ҳақидаги қарашларини янада такомиллаштиришдан иборат. Белгиланган вазифаларни бажариш учун мақола муаллифи кўплаб манбалардан фойдаланган ва тадқиқот натижа-сида фэнтези асарлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиб берган.

Тадқиқот-мақолада герменевтик методдан фойдаланилган. Таҳлил қилинган мавжуд илмий-назарий фикрлар янги талқинларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган, илмий, илмий-назарий ёндашувлар муҳим илмий манбалар асосида далилланган.

Калит сўзлар: фэнтези, жанр, миф, рицарлик романлари, фольклор, эртак, иккиламчи олам, фэнтези трансформацияси.

and theoretical approaches are also confirmed by reasonable examples from various scientific literature.

Key words: fantasy, genre, myth, knight's romance (chivalric), folklore, fairy tale, secondary world, fantasy transformation.

КИРИШ

Жаҳон адабиётшунослигида адабий жанр ва йўналишларнинг тадқиқи кундан-кун оммалашиб бораётган турли асарларнинг яратилишига туртки бўлмоқда. Замоनावий йўналиш сифатида адабиётшуносликда ўрганила бошлаган фэнтези асарлар модернизм ва постмодернизм босқичларида ўз ривожланишининг юксак поғонасига кўтарилди. Фэнтезининг янги феномен сифатида тан олиниши ўтган асрнинг охири ва янги асрнинг бошларида юз бераётган глобаллашув жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу йўналишда яратилган асарларни замоनावий илмий ёндашувлар асосида тадқиқ этишга бугун имкониятлар мавжуд. Хусусан, Европа ва америка адабиётшунослиги контекстида фэнтези асарлар бадиий мезонлар асосида ўрганилиб, уларнинг таҳлили билан боғлиқ илмий-назарий фикрларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Турли халқлар ва миллатларга мансуб адибларнинг бадиий асарларини тадқиқ этиш орқали образ қўллаш, персонаж характерини ёритиб бериш ҳамда асар тилининг ўзига хослигини илмий-таҳлилий ўрганиш адабиётшунослик соҳасидаги долзарб вазифалардан биридир.

Ҳозирги кун замоनावий адабиётида ҳам фэнтези асарларига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Фэнтези маданиятнинг бир кўриниши сифатида адабиётга кириб келди. Фэнтези олами ўзига хос олам бўлиб, инсон руҳиятида уни сеҳргарлик олами сари етаклайди. Биз уни ўрганишимиз давомида олдимизда турадиган муаммолардан бири унинг мазмун-моҳиятига ойдинлик киритишдадир, деб биламиз. Фэнтези – биз билган қадимги ялмоғиз, инс-жинслардан то ҳозирги кундаги сеҳргаргача мавҳум ва сирли тушунча

сифатида келмоқда.

Эзгулик ва ёвузлик, беқарор болалик ёки сўзлашувчи ҳайвон ёки қушлар тўдаси ҳақидаги классик ҳикояларнинг сеҳргарлик билан уйғунлашувидан фэнтезининг мукамал намуналарини яратиш мумкин. Инсон онгида пайдо бўлган ҳар қандай сеҳр-жоду борасидаги фикрлар бироз вақт ўтиб ғойиб бўлади. Бу ҳолат, фэнтезининг ханузгача реал воқелик билан боғлаб турувчи муносабатларнинг йўқлигидан далолатдир.

Фэнтезига бўлган қизиқиш ўтган асрнинг 60-70-йилларига тўғри келади. Шу кунгача фэнтези юзасидан муайян назарий фикр-қарашлар юзага келди. Фэнтезининг жанр ёки услуб сифатида аниқланишида олимлар ўз ғоявий қарашлари ёки мақсадларини асос қилиб кўрсата бошладилар. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам фэнтези асарларга янгилик сифатида қаралмоқда ва бугун унинг мазмун-моҳиятини ўрганиш талаб этилади. Шу боис фэнтези асарлар таркибини ўрганганиш асносида уларнинг ўзига хос бўлган белгиларини аниқлашни мақсад қилдик.

Фэнтези асарлар ҳақидаги илмий-назарий фикрлар шу пайтгача олимлар орасида катта муҳокамаларга сабаб бўлиб келди ва тадқиқотчилар томонидан келтирилган фикрлар фэнтезига хос бўлган бир қанча хусусиятларни очиб беришга хизмат қилди.

“Фэнтези” тушунчасини кўплаб олимлар ўзининг илмий изланишларида турлича номлар билан атаганлар. Масалан, М.С. Галигна [Годшок В., <http://mir.fantastics/articles/>] ва Е.Н. Ковтун [Ковтун Е.Н., 1999; 308] фэнтезини *жанр*, А.Карелин – фантастиканинг *субжанри* [Карелин А., <http://mif.ru/Articles/art>] А.И. Осипов – *йўналиш* [Осипов А.Н., 1999; 320], В.Л. Гопман – фантастиканинг бир кўриниши [Гопман В.Л., 2001; 1161] деб номлаганлар. Юқорида келтирилган фикрларни ўрганиб, фэнтезини *жанр* деб эмас, балки *йўналиш* сифатида белгиладик. Бунда А.И. Осиповнинг фикрини асосли деб билдик. Бунга сабаб, фантастика жанрида мавжуд бўлган элементлар фэнтезида ҳам учрайди. Шунинг учун ҳам у жанр мақомини олиш учун зарурий мезонларга тўлалигича жавоб бериши лозим. Қолаверса, биз ушбу бобда фэнтези *жанр* ёки *йўналиш* эканлигини муҳокама қилишни эмас, балки фэнтези асарлар мазмун-моҳиятини кенгроқ очиб беришни мақсад қилиб олганмиз. Шу боис унинг илмий таҳлилига кўпроқ эътибор қаратдик.

АСОСИЙ ҚИСМ

Дастлаб фэнтези асарларнинг тарихий тараққиётини кўздан кечиришни мақсадга мувофиқ деб билдик. Дунё адабиётшунослигида XIX асрда яратилган Жон Рускиннинг “The King of the Golden River” (1851) (“Олтин дарё кироли”), Уилям Мейкпис Теккерейнинг “The Rose and the Ring” (1855), (“Атиргул ва узук”), Чарлз Кингслининг “The Water Babies” (1863) (“Сув гўдаклари”) ва Луис Кэрролнинг “Alice in Wonderland” (1865) (“Алиса мўъжизалар мамлакатаида”) [Collins Cobuild English Language Dictionary, 1991; 1704] каби асарларга фэнтезининг сара намуналари сифатида қаралади. Замонавий адабиётда эса,

бутун дунё китобхонлари томонидан мутолаа қилинаётган фэнтези bestseller асарлар: “Узуклар ҳукмдори”, “Гарри Поттер”, “Тахтлар ўйини” бунга яққол мисол бўла олади. Булар болалар учун қизиқарли бадиий адабиёт ҳисобланади ва уларнинг сюжети китобхонни ўзига тортувчи сеҳрли саргузаштлардан шакллантирилган.

Фэнтези асарлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар изоҳли луғатларда келган. Масалан, “Психологик эҳтиёжга мос келмайдиган ванореалликни вужудга келтирувчи жараён ёки куч” [Merriam-Webster]. “Одатда, сеҳргарликни ўз ичига қамраб олган, реал ҳаётдан мутлақо фарқланиб турувчи ҳолатларни тасвирловчи адабиёт тури ёки ҳикоя” [www.dictionary.cambridge.org /dictionary/fantasy]. Ушбу луғатларда келтирилган изоҳлардан кўринадики, фэнтези, асосан, инсон онги маҳсули билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. Шунингдек, бу фикрлар кўплаб хорижий олимлар томонидан *фэнтези асарлар* назариясига оид илмий фикрларда ҳам ўз тасдиғини топди. Жумладан, канадалик олим Жон Клют “Фэнтези асар матни узлуксиздир. Қачонки, фэнтези бу оламда содир бўлса, у биз қабул қилган оламда содир бўлиши мумкин бўлмаган ҳикояни баён қилади; қачонки у ўзга оламда содир бўлиб, инсон нуқтаи назарида мавжуд бўлса-да, аслида, у олам мавжуд эмас” [Clute J., 1997; 310-315], деган таърифни келтиради. Америкалик олим Г.Вулф фэнтезини тасаввурдаги, содир бўлиши мумкин бўлмаган ҳикоя деб таърифлайди. Шотланд адабий танқидчиси Колин Николас Мэнлов фэнтези мўъжизани вужудга келтирувчи бадиий уйдирма бўлиб, ҳикоядаги жуда кўплаб рад этиб бўлмайдиган мантикий образларнинг ғайритабиий элементлар билан келишини ўз ичига олади [Manlove C.N., 1975; 1] деган фикрни келтиради. М. Тимн, К. Захорский ва Р. Бойер эса фэнтези асарларни “воқеа-ҳодисалар онг мезонларига кўра пайдо бўлувчи асарлар” [Tymn M.B., Zahorski K.J., Boyer R.H., 1979; 58] деб баҳолаганлар.

Кузатишларимизга кўра, барча таърифлар орасида сўнги эътироф ҳақиқатга яқин бўлиб, фэнтезининг хусусиятини қисқа жумлада тўлақонли қамраб олади. Бунга сабаб, фэнтези асарлар онг мезонлари асосида ўлчанар экан, демак, у ерда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам, яратиладиган иккиламчи олам ҳам, шунингдек, фэнтези таркибини ташкил қилувчи турли миф ва эртак қаҳрамонлар ёки персонажларнинг барчаси инсон ҳаёлотида яратилиб, уларни исталган кўринишда талқин қилиш мумкин.

Фэнтези асарни ёзиш ҳақида гап кетганда, унинг асосий таркибий унсурлари: миф, эртак ва рицарлик романлари муҳим аҳамият касб этади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, фэнтези асарларнинг яратилишида турли сеҳрли мавжудотлар, турли эртак қаҳрамонлари ва реал борликда мавҳум бўлган жонзотларнинг характерланиши унинг таркибий қисмини босқичма-босқич тадқиқ қилиш имконини беради. Энди фэнтезининг биринчи унсури ҳисобланган – олам яралиши ва унинг бошқарилишини табиат қонунлари ёки илоҳий кучларга боғлиқ деган тасаввурни шакллантирувчи мифлар ва уларнинг фэнтези асарларда қўлланилишига эътиборни қаратамиз.

Илмда миф ҳақидаги энг яхши таъриф сифатида: “Миф, бу – шахснинг

ишончига кирган эртакнамо, мавжуд бўлмаган, афсонавий, рамзий ҳодиса ёки инсон” [Ушакова Д.Н., 2020] таърифи келтирилади. Демак, мифлардаги барча ҳодисалар сеҳр-жоду орқали инсон ишончини ўзига бўйсундира олади ва уни ўзига эргаштириб, бошқара оладиди. Чунки афсонавийлик ёки эртакнамолик хусусиятларини ўз сюжетида асос қилиб олган асарлар инсон ишончига тўғридан-тўғри кириб боради.

“Миф” тушунчасига икки хил ёндашув мавжуд бўлиб, биринчиси – сўзнинг маъносига тўғридан-тўғри ёндашув, яъни худолар ёки қаҳрамонлар ҳақидаги қадимги халқ эртаги, иккинчиси – мажозий маънода афсонавий, фантастик уйдирма ёки тўқиб чиқарилган нарсадир. Илмий манбаларда: “Миф – 1) қадимги ривоят, ҳикоя; 2) мифологик ижодкорлик, мифологик космогенез; 3) онгнинг асосий ҳолати, тарихий ва маданий шароит” [Руднёв В.П., 1999; 50] сифатида тавсифланган. Ушбу таърифлар “миф” тушунчасини фақатгина бир томондан, яъни мифологик сюжетларда намоён қилса, бошқа тарафдан, мифологик сюжетларнинг ҳикояга хос бўлган ўзга дунё ҳақидаги тушунчаларини намоён қилади.

Мифларнинг муҳим хусусиятларидан бири – унинг жамият ва индивидуал шахснинг мақсадига хос бўлган онг кўринишини ҳосил қилишидир. Мифологик онг бизга у ёки бу маданиятнинг муҳим жабҳаларини қизиқарли тарзда шакллантириб беради. Тадқиқотчи олим В.П. Руднёвнинг фикрича, мифологик онг “шундай ҳолатдаги онгки, у сароб ва реал воқелик, ҳақиқат ва ёлғон, ҳаёт ва ўлимдир, шунингдек, онг – икки қарама-қарши ғоявий маданиятлар ўртасида нейтрал ҳисобланади” [Руднёв В.П., 1999; 243]. Демак, миф икки қарама-қарши маданиятлар ўртасида китобхонни муфйян мувозанатда ушлаб туради, яъни уни ёлғонга тўлиқ ишонтириб юбормаслигини ёки ҳақиқатни ўзига рост деб билишининг олдини олади.

Дарҳақиқат, мифни ўрганувчи ҳар қандай тадқиқотчи, энг аввало, унинг реал воқеликдан ажралган ҳолда келтирилган барча элементларига уйдирма сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам миф бугунги кунда ҳаққоний ҳаётини воқелик ифодаси сифатида англашилмайди. Шу тариқа тадқиқотчининг тасаввурида “миф – уйдирмадир”, деган қараш юзага келади.

Фэнтези асарларда мифларнинг ўрни ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан боғлиқдир. Биринчиси, фэнтези – оламнинг яратилишида мўъжизакорликнинг ўрни, яъни табиат ҳодисаларини бошқарувчи маъбудлар, афсонавий персонажларнинг илоҳий кучлар билан уйғунликда гавдаланишидир. Иккинчидан, афсонавий қаҳрамонларнинг воқеа марказида келган ҳолда эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиб бориши фэнтезидаги асосий хусусиятларни шакллантиради. Бундай хусусиятлар фэнтезининг яралишида муҳим аҳамият касб этади.

Фэнтези асарда қаҳрамонларнинг тасвирланиши ва воқеалар ривожини мифлардан ташқари, эртакка хос образлар ёки воқеалар кетма-кетлиги китобхоннинг ёшидан қатъи назар ўзига жалб этади. Шу жиҳатдан фэнтези эволюциясида эртакларнинг ўрни ҳам катта.

Халқ оғзаки ижодининг энг мазмунли маҳсули сифатида эртақ нафақат бир миллат, балки бутун халқлар адабиётида ўзининг жанр сифатидаги ўрнига эга. Илмда эртақ жанри юзасидан кўп олимларимиз илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Улардан бири Буюк Каримийдир ва у эртақ жанрига шундай изоҳ берган: “Эртақ термини – узоқ замонларнинг мевасидир. Лекин қайси замонлардан бери *эртақ* шаклида ишлатила бошлагани ҳақида қатъи бир нарсa дейиш ҳали қийин. Аммо қадимдан *эртақ* шаклида ишлатилгани бизга маълум. Луғатларга мурожаат этганимизда *эртаки* сўзи *эрта*, *эртанг* сўзларидан бўлиб, “*эртаги, қадимги, аввалги*” маъноларини беради [Тўлабоев О., 2017; 49]. Демак, эртақларнинг яралиши муайян даражада ўтмишдаги воқеликка алоқадор бўлиб, бунда эртақ ўтмишни бадийлаштириб, худди жонли манзарани ҳосил қилгандек барчани ўзига ишонтира олади.

Бу жиҳатдан эртақларнинг генезиси ҳар бир миллатнинг маданий қадриятларини ўзида акс эттиради. Шунингдек, Европа олимларининг таъкидлашича: “Эртақлар халқ оғзаки ижоди анъаналарининг бир қисми бўлиб, халқ адабиётига тегишлидир” [Cuddon J., 1998; 283]. Демак, эртақ – халқ оғзаки ижодининг бир намунаси сифатида бутун халқ ёки миллатнинг ижтимоий ва маданий ҳаёти жабҳаларини ёритиб беришга хизмат қилади. Эртақларнинг пайдо бўлиши инсон маданиятининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Шундай экан, фэнтези сюжетида ҳам айнан эртақ мансуб бўлган миллат ва халқнинг ўтмиши билан боғлиқ воқеалар ривожига ётади. Замонавий фэнтези, аслида, эртақларга хос бўлган воқеликни қамраб олади. Эртақларнинг ҳам мифлар, ҳам фэнтези билан узвий боғланмаслиги мумкин эмас ва улар доим бир- бирини тўлдириб келади.

Е.М. Мелтинскийнинг фикрича: “Сеҳрли эртақнинг шаклланиши ибтидоий жамоа тузумидан, тарихий даврлардан кейинроқ бир мунча тараққий этган жамиятга тўғри келади. Мифологик қарашларнинг сусайишига, эндиликда, сеҳрли эртақнинг поэтик шаклга айланганлиги сабаб бўлди. Бу ҳолат, айнан мифлар билан бўлган синкретик алоқанинг батамом узилишига сабаб бўлди” [Мелетинский Е.М., 1998; 291]. Бу ерда ҳам биз миф поэтикасининг устунлигини кўрамиз, бироқ миф билан эртақнинг ўзаро боғлиқлиги ҳануз ўз кучини йўқотмаган. Миф ва эртақлар композициясига асос бўлган воқеликлар кетма-кетлиги билан мос тушиши ҳақида гап кетганда, В. Пропп гўё ўсмир билан боғлиқ бўлган воқеалар гапирилганда, ўсмир ҳақида эмас, балки анъаналар асосчиси бўлган қавм, мўъжизавий тарзда дунёга келган айиклар, бўрилар салтанатида олов ва сеҳрли рақслар ва бошқа аждодлар ҳақида гапиришни [Пропп В., 2004; 186] таъкидлаб ўтади. Юқоридаги изоҳлардан хулоса қилсак, эртақ фэнтезининг таркибида келиб, иккиси ҳам уйғунликда бир вазифани бажаради, яъни ўтмиш воқеликнинг борлиқда акс-садо бериши учун хизмат қилади. Бунда китобхон ўқиган нарсасини хоҳ у эртақ бўлсин, хоҳ фэнтези асар – иккисида ҳам ўтмиш сари саёҳат қилади. Эртақ воқелиги ўтмишда содир бўлади, аммо унинг макон ва замонини аниқлаб бўлмайди, биз фақатгина бундай ноаниқликларга эртақларга хос бўлган қолип шаклидаги “қадим ўтган

замонда”, “бир бор экан бир йўқ экан” каби иборалар орқали аниқлик кирита оламиз, холос. Бундай ноаниқлик эртактларнинг замон ва макон масаласини йўққа чиқаради. Шу ўринда, олам ва маданиятнинг шаккланишида фэнтезига хос н яна бир жиҳат бор, бу – фэнтези учун архетиплардир.

Илмий тадқиотчи Н.В. Большакова “Фэнтезининг асосий архетиплари орасида унга эргашувчи қахрамонлик, эзгу ва ёвуз магия, сеҳрли буюмлар ва мифологик тамойилларни ташкил этувчи замон ва макон” [Большакова Н.В., 1997; 332] тушунчаларини келтириб ўтади. Архетип мавзуси ҳам фэнтези, ҳам мифлар учун асос бўлади. Бу жиҳатдан К. Юнг томонидан асосланган “она”, “бола”, “қахрамон”, “донишмандлик”, “қуёш худоси”, “Худо ва ўлим” [Юнг К.Г., 1998; 480] каби рамзий тушунчалар ҳам фэнтези асарларининг бир унсури бўлиб хизмат қилади.

Сеҳрли эртактларнинг айнан фэнтези билан боғлиқлиги уларнинг ҳар иккисида ҳам нореалликдаги воқеликнинг содир бўлишидадир. Е. Ковтуннинг фикрича: “бирламчи *адабий* шакл, иккламчи шартлилик... қабул қилинган барча уйдирмалар асосини сеҳрли эртактлар деб ҳисоблаймиз” [Ковтун Е.Н., 2008; 46]. Ҳақиқатан ҳам, эртактлар оламини сеҳр-жодусиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айнан у эртактнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда ёки эртактнинг бошқа асарлардан фарқланиб туришида эстетик руҳ бағишловчи унсур сифатида хизмат қилади. Бу жиҳатдан М. Липовецкий эртактлардаги мўъжизавийлик ва ғаройиб воқеликни олд қаторга қўяди ва сеҳрли эртактларда бу нарса унинг маълумот тарқатувчи ёки коммуникатив вазифасидан кўра, эстетик жиҳатини белгилашини таъкидлайди. Демак, миф ва эртактлар биргаликда синкретик ҳолатда бир-бирини тўлдириб боради. Ўрганмоқчи бўлганимиз, Жорж Мартин асарларида ҳам миф ва эртакка хос бўлган образлар, яъни бўри, аждарҳо... кабилар ўз ўрнига эга. Бу жиҳатдан адабиётшунос Е. Брандиснинг “*Фэнтезига ўхшаш асарларда..... биз сеҳрли эртактлардаги тўлиқ ёки қисман ўзгаришларга, бошқача айтганда, мифларнинг ўзгача талқинига, пародияланишга, тақлид қилинишга, тўлиқ нусха кўчирилишига гувоҳ бўламиз*” [Брандис Е., 1977; 110] дея келтирилган таърифига хайрихоҳмиз. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, мифлар эртактлардан олдин пайдо бўлган ва улардаги образлар, воқеалар ривожланиш кетма-кетлигини эртактларда ҳам кўрамиз. Бу икки воқеликнинг талқинини фэнтезида учратамиз. Шу ўринда эртактларга мифларнинг янгича талқини сифатида қарасак, фэнтезига бу иккисининг уйғунлашувидан ҳосил бўлган ўзгача тақлид десак нотўғри бўлмайди.

Рус адабиётшуноси Е. Неелов ҳам фэнтези ва эртактнинг боғлиқлиги ҳақида “Фэнтезидаги эртакт гўё ўзини бир неча координаталар тизими сифатида белгилайди” [Неелов Е., 2020] деган фикрни билдиради. Шу фикрдан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, фэнтезининг дастлабки калити унинг ўзида барча эртактлар жамланмасининг тўлиқ ёки қисман вазифаларини яширин тарзда сақлашидир. Шунинг боис, Ж.Толкиннинг “Узуклар ҳукмдори”, Ж.Роулиннинг “Гарри Поттер” каби болалар фэнтези асарларидаги воқеалар силсиласида ва образлар берилишида ўзига хос ўхшашликларни кўрамиз. Бу жиҳатдан фэнтези

асарларда эртактарнинг муҳим рол ўйнашига гувоҳ бўламиз.

Фэнтези асарлар ўз таркибига турли эртактар ва миф қаҳрамонларидан ташқари иерархик образларни ҳам олади. Шунинг учун ҳам миниппеянинг фэнтезида ўз сатирасини кўрсатиб бериши фэнтези билан миниппеянинг ўзаро алоқадорлигини таъминлайди. Бу ҳолат ўз-ўзидан фэнтезининг учинчи муҳим бўлган таркибий қисми ҳосил бўлишига ёрдам беради. Иерархик образлар сифатида биз айнан бир мавқега эга бўлган авлодларни, яъни қирол, қиролича, шахзодалар, маликалар ва бошқаларни кўраемиз. Айнан фэнтези асарларда Ўрта асрларга тегишли бўлган стереотиплар ва буюмлар: от устидаги рицарлар, қироллик оилалари, зиндонлар, ўрта асрга хос бўлган кийим-кечаклар ва қасрлар сюжетни янада жонлантиради.

Фэнтези асар сюжет чизиқлари бўйича англиззабон Ғарб дунёсида жуда машҳур бўлган классик “Робин Гуд”, “Қирол Артур” каби рицарлик романлари нафақат ўтмишда содир бўлган воқеалар, балки улардан мотив сифатида фойдаланиб, турли ҳикоялар ёзилган.

Ўрта асрлар дунёсида ғайритабиий кучларнинг саргузаштлари билан қоришган ҳикоя усули дунёга келди. Бу даврларда борлиқ билан тасаввур ўртасида деярли фарқ мавжуд бўлмаган. Инсоният ўзини турли ўзга кучлар таъсири остидаги оламда кўрган ва яшаётган ҳаётида турли ғайритабиий воқеалар содир бўлишига шубҳа кўзи билан қарамаган. Одамлардаги бу ишонч Ғарб христиан маданиятига оддий дунёқараш сифатида бирлашиб кетди. “Ғайритабиий кучлар” тушунчаси бутун урф-одат ва анъаналарни ўз ичига қамраб олди. Бунинг натижасида ушбу кучлар адабий сюжет сифатида турли ҳикоя ёки достонларда ўз ўрнини эгаллай бошлади. Кейинчалик Ўрта аср христиан жамиятида одамлар дунёқарашини бўри, тулки ёки шер каби ҳайвонлар образини қанчалик тўғри қабул қилган бўлса, эндиликда, бир шохли от, буқасимон одам (минотавр), фаришта ва одамхўр махлуклар ўзлари билан ёнма-ён яшамокда, деган фикрларни шаклланди. Демак, одамлар онгида сеҳр-жодуга бўлган ишончнинг кучайиши ва улар жамиятнинг қайсидир бир бўғини сифатида ўз ўрнига эга эканлигига шубҳа кўзи билан қаралмаган.

Бироқ XX асрга келибгина Ўрта аср маданиятидан дарак берувчи ҳикоялар фэнтези билан боғланди. Бу жараён Британия оролларида яшовчи англо-саксонларнинг эпик асари сифатида машҳур бўлган “Беовулф” асарининг дунёга келиши билан боғланди. Беовулф халқ қаҳрамони сифатида турли одамхўр махлукларга қарши курашиб, кўркмас халқ қаҳрамони сифатида тасвирланган. Шу билан бирга ғарб дунёсининг яна бир қаҳрамонлик эпоси “Нибелунглар ҳақида кўшиқ” бўлиб, у ҳам рицарлик романларининг илк унсурларини ўзида шакллантирди. Бу ҳақида илмий манбаларда: “Нибелунглар ҳақида кўшиқ” – рицарлик анъаналари таъсири остида бирмунча ўзгаришларга учраган қадимий эпик эртактарнинг бир туридир. Унда черков таъсири сезилса ҳам, лекин диний элементлар кучли эмас. “Кўшиқ”нинг сўнгги нусхалари рицарлик романларига яқин туради” [Қаюмов О., 1979; 45]. Шундай экан, ушбу рицарлик романларининг давоми сифатида Ўрта асрларга тегишли Қирол Артур билан

боғлиқ бўлган туркум асарлар пайдо бўлди. Айниқса, “Қирол Артур” туркум асарларида мифологик хусусиятлар, яъни мифологик анъаналар замон ва макон масаласида намоён бўлган. Шунингдек, Қирол Артурга тегишли бўлган энг тинч макон – бу Авалон ороли. У кельт мифологиясида ҳам барча нарсага эга бўлган ўзга дунё тимсолида тасвирланиб, жойлашган ўрни номаълум “абдий ҳузур-ҳаловат” макони сифатида билан кўрсатилган. Қирол Артурнинг мархумлар қироллигидан қайтиши мифологик асосга эг ва у бутун мифлар циклидаги маъбудларнинг ўлиши ва қайта тирилиши ҳақидаги тушунчаларни ифодалайди.

Рицарлик романлари эпик жанрлар тизими ривожланиши босқичида пайдо бўлган. Унинг фэнтези адабиётидаги энг муҳим жиҳатларидан бири – у ҳикоялаш тарзида келиб, ўзининг Ўрта аср адабиёти ва тарихига хос бўлган “қилич ва сеҳргарлик” тушунчасини атрофдаги воқеалар билан уйғунлаштириб тасвирлайди.

Рицарлик романларида эртақларга хос бўлган анъана, яъни икки қарама-қарши кучлар ўртасидаги кураш асарлар сюжетининг асосини ташкил этади. Сюжетдаги эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги қарашларда мифологик хусусиятлар яққол сезилади. Шуни ҳам айтиш лозимки, ғаройиботлар фэнтезида муҳим рол ўйнайди. “Эртақлар олами, рицарлик романлари, сеҳргарлик, ғайритабиийлик барчаси бир бўлиб, ғаройиб ҳикояларга тегишлидир” [Jackson R., 2003; 33]. Ғаройиб ҳикояларда вақт ўтмишга қараб чўзилган бўлади. Орзулар дунёси бизга турли ғаройиботларни тақдим қилади. Китобхон уларни борлигича қабул қилади. Фэнтези асарлар ўзига хос хусусиятларга эга. Бу жиҳатдан у ўзининг таркибига кирувчи барча унсурларни қамраган ҳолда иккиламчи оламга тегишли жиҳатларини намоён қилади. Бу жиҳатларнинг дастлабкиси, фэнтези асарларнинг эртақ ва мифологик унсурларга асосланганлиги (аждарҳолар, девлар, учар гиламлар, турли маъбуд ва илоҳалар..); иккинчиси, фэнтези асарларнинг илм-фандан холи бўлган, яъни сеҳргарлик кучига асосланган ҳодисалар (кўринмас одамнинг ўзи яратган моддаси орқали эмас, балки устига сеҳрли ёпинчикни ёпиш орқали кўринмас ҳолатга келиши); учинчиси, табиат қонунларининг жонли тарзда реал борлиққа кўчиши ва китобхонда сеҳргарликка уйғун ҳис-туйғуларни пайдо қилиши... (кўринмас ҳайвонлар, табиат қонуни асосидаги борлиқ, масалан, куёш, момақалди роқ ёки булутларнинг образга кириши). Фэнтези асарларнинг яна бир муҳим хусусияти – рамзийликнинг муболағали кўринишига эга эга эканлиги. Ҳар бир фэнтези асарда турли рамзий образлар, рамзий деталлар ва гералдик жиҳатлар устунлик қилади. Шу билан бирга фэнтези асар китобхонни ўзига ишонтирувчи муҳитни шакллантиришда сюжет чизигида эзгулик ва ёвузлик ғояларини бир-бирга қарши қўяди. Бу каби жиҳатларни турли асар қаҳрамонлари – у хоҳ инсон, хоҳ ҳайвон бўлсин, доим эзгуликнинг ғалабаси билан китобхонга ижобий таъсир кўрсатади.

Фэнтези асарлар ўзининг таркибий унсурларига эга бўлишдан ташқари, улар мавзулар кесимида кўра, турларга ажралади. Фэнтези асарлар “юқори фэнтези” (китобхоннинг олдида ҳаёлий ёки уйдирма дунёни шакллантирадиган асарлар) ва “қуйи фэнтези” (борлиғимизга илоҳийликни олиб кирувчи асарлар)

каби икки катта турга бўлинади.

“Юқори” ва “қуйи” фэнтези ҳикоя сферасида бирламчи ёки иккиламчи оламда содир бўлади ва бир-бирини тўлдириб боради. Агар биз асар мазмунидан келиб чиқибт хулоса қиладиган бўлсак, қуйи фэнтези – ҳикоянинг бизнинг оламда тўлиқ ёки қисман содир бўлишини ифодалайди. Айнан фэнтези оламида машҳур бўлган Ж.К. Роулиннинг “Гарри Поттер” цикли сериялари қуйи фэнтези намунасидир. Чунки асарда воқеалар силсиласи, дастлаб, бизнинг оламда бошланади, сўнгра иккиламчи олам билан давом этади.

Юқори фэнтези эса, иккиламчи олам маҳсулидир. Ж.Толкин тили билан айтганда: “*Иккиламчи олам*, бу – инсон томонидан яратилган фантастик олам ёки муҳитнинг уйғунлигидир. У доимо *бирламчи олам* деб аталмиш борлиққа қарама-қарши туради” [http://tolkiengateway.net/wiki/Secondary_world]. Демак, иккиламчи олам, бу – инсон онги маҳсули бўлиб, ушбу оламдаги барча образ ва бадиий деталлар шу оламнинг эгасига тегишлидир. Юқори фэнтези айнан воқеанинг ўзга оламда, яъни иккинчи “фантастик” оламда содир бўлиши билан белгиланади. Бу турга нисбатан Ж.Мартиннинг “Муз ва олов кўшиғи” туркум асари ёки Ж.Толкиннинг “Узуклар ҳукмдори” асарини юқори фэнтези белгиларини акс эттирувчи ижод намуналари сифатида кўрсатиш мумкин. Бу икки адиб ҳам ўзларининг туркум асарларида ҳаёлотда яратилган оламда воқеаларни ривожлантириб боради. Айниқса, Жорж Мартин ҳаёлот дунёси алоҳида ажралиб туради. У шундай бир олам (Вестреос)ни яратдики, ундаги барча тириклик реал воқеаларни ёдга солади, бироқ у ҳақиқатдан йироқда содир бўлади. Худди, ҳақиқатга тенглаша олмайдиган тарихий эртакни ёдга солади.

Илмда иккиламчи оламга нисбатан: “Ўзга оламни бу оддий тушунчалар билан тенглаштириб бўлмайди: у худди биз каби бир текисликда ёки бир вақтда пайдо бўлмайди” [Attebery B., 1992; 223-224] деб айтилади. Ўзга олам бизнинг олам билан бирлашиб кетишига қарамай, худди “Гарри Поттер”да келтирилган воқеалар силсиласи бирламчи олам бир ёки бошқа йўллар орқали шаклланиб боради. Юқори фэнтезининг энг муҳим жиҳати – бу *ўзга олам* тушунчасини яратиб беришдир. Бунда ўзга оламни яратувчилар, одатда, бир қолипга тушмаган, бирламчи (ҳақиқий) олам шаклларида келтирилмаган бегона дунёни пайдо қиладилар. Бирламчи олам инсон ҳаётидаги реал воқелик билан боғлиқликни таъминласа, *ўзга олам* (иккиламчи) дунё, одатда, инсон онгида ҳосил бўлади. Бунда барча воқеалар кетма-кетлиги реал воқеликдан узилган ҳолда китобхонни ҳаёлот дунёси сари етаклаб боради.

Қуйи ва юқори фэнтезини бутунлигича ўрганиб, ўзининг назарий қарашларини илгари сурган олимлардан бири Колин Мэнлав фэнтези адабиётида бир томонлама фикр юритишдан қочиб, ўзининг “Modern Fantasy: Five Study” номли асарида фэнтезини бир-биридан ўзаро фаркланувчи бир нечта қисмга ажратди. У юқори фэнтезининг мазмун-моҳиятини алоҳида таъкидлаб: “Фэнтези ўзаги завқли бўлиб, уни Чарлз Кингслининг “*Water babies*” асаридаги ғаройибликни барча табиат жонланишида; Жорж Макдоналднинг “*Phantastes*” асаридаги номаълум бўлган тушунчаларда; мўъжизани К. Льюиснинг “*Out of*

the Silent Planet”, “Perelandra” ва “That Hideous Strength” трилогиясидаги қуёш системасининг трансформациясида; Ж. Толкиннинг дарахт ва майсалар, уй ва олов, нон ва винонинг ўзаро муҳаббати унинг “Lord of the Rings” асаридаги портретларида; Ўрта асрдаги муҳаббат кўринишини Т. Уайтнинг “The Once and Future King” асарида; ғойиб бўлган мўъжизани қидиришни Питер Бигилнинг “The Last Unicorn” асарида ёки ҳақиқатни қайта тиклаш мавзуларини Урсула Ле Гуиннинг “The Tombs of Atuan” ва “The Farthest Shore” каби асарларда кўрамиз” [Manlove C.N., 1983; 28], дейди. Муаллиф номларини зикр этган бу асарлар юқори фэнтези намуналаридир.

Адабиётшуносликда фэнтези турларига оид илмий фикрлар ҳам анча. Кўплаб олимлар фэнтези асар турларини ҳар хил номлайдилар. Мисол учун, рус адабиётшуноси А. Николюкин “қаҳрамонлик фэнтези” асарлар, “готик фэнтези”, “христианча фэнтези”, “маданийлашган фэнтези” [Николюкин А.Н., 2001; 582] каби турларга ажратиб кўрсатса, америкалик болалар адабиётшуноси Д. Раслл томонидан фэнтезининг *ҳайвонот фэнтези, ўйинчоқ фэнтези, сеҳрли фэнтези, саргузашт фэнтези, қаҳрамонлик фэнтези, сирли ва ғайритабиий фэнтези асарлар* [Russell D.L., 2009] каби турлари таъкидланади. Олимнинг фэнтези асарлар сюжетини ташкил қилувчи мавзуга қараб тақдим этган ушбу таснифи этиборга лойиқдир.

Ҳайвонот фэнтези – бу айнан ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар каби инсонларга хос характерга эга бўлган турли образларни ўзида мужассамлаштирган фэнтези асарлардир. Бунда оддий сюжет кўринишида бўлган асар ўзида адабий рамзийликни кашф этади. Фэнтезининг бу турига Кеннет Грэмнинг “The Wind in the Willows” (1908) (“Мажнунтоллар орасидаги шамол”), Элвин Брукс Уайтнинг “Charlotte’s Web” (1952) (“Шарлоттанинг тузоғи”), Беатрикс Поттернинг “The Tale of Peter Rabbit” (1902) (“Қуён Питер ҳақида эртақ”) каби асарларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўйинчоқ фэнтези, бу – ҳаётдаги сеvimли ўйинчоқларни жонли ҳаёт тизимига ўтказиш, яъни улар инсонлар каби яшаши, суҳбат қуриши, ўйлаши, нафас олиши, севиши ва улар каби ўзини бошқара олиши мумкин бўлади. Биз, асосан, замонавий ўйинчоқ фэнтезини суратли китоблар шаклида кўрамиз. А. Милннинг “Winnie the Pooh” (1926) (“Винни-Пух”), К. Коллодининг “The Adventures of Pinocchio” (1883) (“Пиноккионинг сагузаштлари”) каби асарлар ўйинчоқ фэнтези намуналаридир.

Сеҳрли фэнтези асарларида, одатда, персонажлар мўъжизавий қобилиятларга эга бўлиб, сюжет асосида сеҳрли ёки ғайриоддий предметлар ётади. Роулд Далнинг “Charlie and Chocolate Factory” (1964) (“Чарли ва Шоколад заводи”), Уилям Стейгнинг “Sylvester and the Magic Pebble” (1969) (“Силвестер ва сеҳрли тош”) асарлари шулар жумласидан.

Саргузашт фэнтези асарда персонаж муқобил ёки ўзга оламда саёҳат қилади ва бу саёҳат давомида фақат сеҳрли нарсалар қўлланганлигига гувоҳ бўламиз. Бу турдаги асарларга Луис Кэрролнинг “Alice Adventures in Wonderland” (1865) (“Алиса мўъжизалар мамлакатида”), Ж. Роулинг “Harry

Potter and the Sorcerer's Stone" (1997) ("Гарри Поттер ва ҳикматлар тоши"), Жонатан Свифтнинг "Gulliver's Travels" (1726) ("Гуливернинг саёхатлари") асарлари киради.

Қаҳрамонлик фэнтези – бундай асарларда қаҳрамонлар саргузашт излаб чиқади. Бундан мақсад – адолат ва севги учун муайян мукофотга эришишдир. Шунингдек, бу йўлда турли сирли хазиналар ва сеҳргарлик кучлари билан уйғунликда қаҳрамонлик кўрсатилади. Бунда бош қаҳрамон ўзининг иродасизлиги ва иштиёқсизлиги туфайли муайян муаммоларни юзага келтиради. Асар сюжетида, асосан, ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги конфликт (зиддият) ётади. Ж. Толкиннинг "The Lord of the Rings trilogy / Hobbit" (1954) ("Ўзуклар ҳукмдори" трилогияси/ "Ҳоббит"), Робин Маккинлининг "The Hero and the Crown" (1984) ("Қаҳрамон ва Тож") асарлари бунга мисол бўла олади.

Сирли ва ғайритабиий фэнтези кенг тарқалган фэнтези кўриниши бўлиб, у *руҳлар тарихи* номи билан машҳур. Асарларда ҳоҳ эзгулик, ҳоҳ ёвузлик руҳлари иштирок этган бўлсин, сюжетдаги асосий масала ғайритабиий кучлар ёки сеҳргарлик ёрдамида ҳал этилади. Фэнтезининг бу турига энг яхши асар намунаси сифатида Вашингтон Ирвингнинг "The Legend of Sleepy Hollow" (1820) ("Мудроқ жарлик афсонаси") [Russell, D.L., 2009] асари мисол бўлади.

Демак, фэнтези, одатда, мифологик ва эртақ мотивларига ҳос бўлиб, ўзида ўрта аср рицарлик романларидаги унсурларни, сеҳргарлик ва романтик анъаналарни акс эттирган, фантастикадан фарқли равишда, инсон ҳаёлотида пайдо бўлиб, бир вақтнинг ўзида ғойиб бўлувчи сюжет воқеаларини қамраб олган асарларни ўз ичига олади.

ХУЛОСА

Тадқиқот-мақолани ёзиш давомида кўплаб илмий асосланган фикрларни ўргандик ва қуйидаги хулосаларга келдик.

Биринчидан, фэнтези асарлар ва уларнинг вужудга келишида, аввало, унинг таркибий қисмини ташкил этувчи ҳар хил эпик турлар яъни, миф, эртақ ва рицарлик романлари муҳим ўрин тутишини ҳар доим эътиборга олиш зарур.

Иккинчидан, бунда барча эпик турлардан синкретизм орқали фэнтези асарларини яратиш мумкин.

Учинчидан, Ғарб маданиятини акс эттирган фэнтези асарларда нафақат уларнинг ижтимоий аҳволи, балки ўзаро маданиятлараро уйғунлашувига ҳам ғувоҳ бўламиз.

Тўртинчидан, Европа ўрта асрларда мамлакат бошқарувида турли образлар орқали сеҳр-жодунинг ишлатилиши ҳамда қирол Артур афсоналари фэнтези асарларнинг шаклланишига асос бўлган дейиш мумкин.

Бешинчидан, XX асрга келиб жаҳон адабиётида фэнтези асарларга бўлган эътибор ва уларнинг китобхон томонидан яхши қабул қилиниши, бу йўналишга бўлган қизиқишнинг ортиб боришидан далолатдир. Бу эса, кўплаб фэнтези асарларнинг вужудга келиши учун хизмат қилади.

Олтинчидан, фэнтези асарларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб,

уларни умумий икки: куйи ва юқори турларга, асар сюжетида нисбатан эса *ҳайвонот фэнтези, ўйинчоқ фэнтези, сеҳрли фэнтези, саргузаши фэнтези, қаҳрамонлик фэнтези, сирли ва зайритабиий фэнтези* каби гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Attebery, B. (1980). *The Fantasy Tradition in American Literature: From Irving to Le Guin*. Bloomington: Indiana University Press.
2. Bolshakova, H.B. (1997). *Fantastika: sovremenniy mif i massovoe soznanie*. Moskva. 332 s.
3. Brandis, E. (1977). Nauchnaya fantastika i chelovek v segodnyashnem mire. *Voprosi literaturi*, 6. s. 110.
4. *Collins Cobuild English Language Dictionary*. (1991). London: Clays Ltd, St. Eves plc. 1704 p.
5. *Collins dictionary*. <https://www.dictionary.cambridge.org/dictionary/fantasy>
6. Cuddon, J. (1998). *The Penguin dictionary of literary terms and literary theory*. (4th ed). (p. 283). London: Penguin Books.
7. *Fantastic Literature: A Critical Reader*. (2004). Ed., CT: Praeger, 271-273.
8. *Godshok Vil'ям Fantastika*. <http://mir.fantastics/articles/>
9. Gopman, V.L. (2001). Fentezi. *Literaturnaya ensiklopediya terminov i ponyati*. Pod red. N. Nikolyukina. Moskva. s. 1161 – 1164.
10. Jackson, R. (2003). *Fantasy: The Literature of Subversion*. London and New York: Routledge. 33 p.
11. Karelina, A. Klassiki. *Predtechi fentezi*. <http://mif.ru/Articles/art>
12. Kovtun, E.N. (2008). Hudojestvennyi vymysel v literature HKH veka. *Vysshaya shkola*. 46 s.
13. Kovtun, E.N. (1999). *Poetika neobychnogo: hudozhestvennye miry fantastiki, skazki, utopii, pritchi i mifa* (na materiale evropejskoj literatury pervoj poloviny XX veka). Moskva. 308 s.
14. Kuronov, D., Mamajonov, Z. (2013). *Adabiyotshunoslik lug'ati*. Toshkent: Akademnashr. 51-b.
15. Manlove, C.N. (1983). *The Impulse of Fantasy Literature*. London: The Macmillan Press. p. 28.
16. Manlove, C.N. (1975). *Modern Fantasy: Five Studies*. Cambridge: Cambridge University Press. p.1.
17. Meletinski, E.M. (1998). *Mif i skazka*. Moskva. s. 291
18. *Merriam-Webster*. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/fantasy>
19. Neelov, E. *Folklorny intertekst russkoy fantastiki*. <http://www.philolog.ru/filolog/uchebnik.pdf>
20. Nikolyukin, A.N. (2001). *Literaturnaya ensiklopediya terminov i ponyatij*. Moskva: NPK "Intelvak". s. 582.
21. Osipov, A.N. (1999). Fentezi. *On je. Fantastika ot "A" do "Ya": kratkiy ensikl. spravochnik*. Moskva. 320 s.
22. *Oxford Learning Dictionary*. <https://www.lexico.com/definition/goodman>
23. Propp, V. (2004). *Istoricheskie korni volshebnoy skazki*. Moskva. s. 186.
24. Qayumov, O. (1979). *Chet el adabiyoti tarixi*. Darslik. Toshkent: "O'qituvchi" nashriyoti. 45 B.
25. Rudnyov, V.P. (1999). *Slovar kul'tury HKH veka*. Moskva. s. 169.
26. Russell, D.L. (2009). *Literature for children*. Department of English, National Kaohsiung First University of Science and Technology. Taiwan. https://www2.nkust.edu.tw/~emchen/CLit/fantasy_types.htm

27. Selling, K. (2004). Fantastic Neomedievalism: The Image of the Middle Ages in Popular Fantasy. In D. Ketterer, (Ed)., *Flashes of the Fantastic* (pp. 211-218). Westport, CT: Praeger.
28. Thompson, R.K. (1982). Modern Fantasy and Medieval Romance: A Comparative Study. In R.C. Schlobin (Ed)., *The Aesthetics of Fantasy Literature and Art* (pp. 211-225). Indiana, USA and Sussex, England: University of Notre Dame Press and The Harvester Press.
29. To'laboev, O. va boshq. (2017). O'zbek folklorshunosligi (Antologiya). *O'zbek xalq ertaklarining ba'zi bir xususiyatlari*. Toshkent. 49 b.
30. Tymn, M.B., Zahorski, K.J., & Boyer, R.H. (1979). *Fantasy literary: A core collection and reference guide*. New York: Bowker.
31. Ushakova, D.N. *Tolkoviy slovar*. <http://feb-web/ru/feb/ushakov/ush-abc/default.asp>
32. Vike, M. (2009). The Familiar and the Fantastic. A Study of Contemporary High Fantasy in George R.R. Martin's *A Song of Ice and Fire* and Steven Erikson's *Malazan Book of the Fallen*. University of Bergen. *Unpublished master's thesis*.
33. Yung, K.G. (1998). *Vospominaniya, snovideniya, razmishleniya*. Moskva: OOO "Izd-vo AST-LTD", Lvov: "Inisiativa". 480 s.
34. Zanger, J. (1982). Heroic Fantasy and Social Reality: ex nihilo nihil fit. In R.C. Schlobin, (Ed)., *The Aesthetics of Fantasy Literature and Art* (pp. 226-237). Indiana, USA and Sussex, England: University of Notre Dame Press and The Harvester Press.

REFERENCES

1. Attebery, B. (1980). *The Fantasy Tradition in American Literature: From Irving to Le Guin*. Bloomington: Indiana University Press.
2. Brandis, E. (1977). Scientific fiction and man in today's world. *Questions of literature*, 6, 110.
3. *Collins Cobuild English Language Dictionary*. (1991). London: Clays Ltd, St. Eves plc. 1704 p.
4. *Collins dictionary*. <https://www.dictionary.cambridge.org/dictionary/fantasy>
5. Cuddon, J. (1998). *The Penguin dictionary of literary terms and literary theory*. (4th ed). (p. 283). London: Penguin Books.
6. *Fantastic Literature: A Critical Reader*. (2004). Ed., CT: Praeger, 271-273.
7. *Godshok Vil'ям Fantastika*. <http://mir.fantastics/articles/>
8. Gopman, V.L. (2001) Fantasy. *Literary Encyclopedia of Terms and Concepts*. In N.M. Nikolaukin (Ed). (pp. 1161-1164).
9. Jackson, R. (2003). *Fantasy: The Literature of Subversion*. London and New York: Routledge. 33 p.
10. Jung, K.G. (1998). *Memories, dreams, reflections*. Moscow: LLC Publishing House AST-LTD, Lvov: Initiative. 480 p.
11. Karelin, A. Classics. *Fantasy Faces*. <http://mif.ru/articles/art>
12. Kovtun, E.N. (2008). Artistic fiction in the literature of the twentieth century. *Higher School*. 46 p.
13. Kovtun E.N. (1999). *Poetics of extraordinary: artistic worlds fiction, fairy tales, utopias, parables and myths* (on the material of European literature of the first half of the 20th century). Moscow. 308 p.
14. Manlove, C.N. (1983). *The Impulse of Fantasy Literature*. London: The Macmillan Press. p. 28.
15. Manlove, C.N. (1975). *Modern Fantasy: Five Studies*. Cambridge: Cambridge University Press. p.1.
16. Meletinski, E.M. (1998). *Myth and Tale*. Moscow. p. 291.
17. *Merriam-Webster*: <https://www.merriam-webster.com/dictionary/fantasy>
18. Neelov, E. *Folklore Intertext of Russian Fiction*. <http://www.philolog.ru/filolog/uchebnik.pdf>
19. Nikolaukin, A.N. (2001). *Literary Encyclopedia of Terms and Concepts*. Moscow: NPK

- “Intelvak”. p. 582.
20. Osipov, A.N. (1999). *Fantasy. He's. Fantasy from "A" to "I": a brief encycle. directory.* Moscow. 320 p.
 21. *Oxford Learning Dictionary*. <https://www.lexico.com/definition/goodman>
 22. Propp, V. (2004). *Historical roots of a magical fairy tale*. Moscow. p. 186.
 23. Qayumov, O. (1979). *History of Foreign Literature. Text-book*. Tashkent. “O’qituvchi” publishing. 45 p.
 24. Quranov, D., Mamajanov, Z. (2013). *Dictionary of Literary studies*. Tashkent: Academic publication. 51 p.
 25. Rudnev, V.P. (1999). *Culture Dictionary of the twentieth century*. Moscow. p. 169.
 26. Russell, D.L. (2009). *Literature for children*. Department of English, National Kaohsiung First University of Science and Technology. Taiwan. https://www2.nkust.edu.tw/~emchen/CLit/fantasy_types.htm
 27. Selling, K. (2004). Fantastic Neomedievalism: The Image of the Middle Ages in Popular Fantasy. In D. Ketterer, (Ed)., *Flashes of the Fantastic* (pp. 211-218). Westport, CT: Praeger.
 28. Thompson, R.K. (1982). Modern Fantasy and Medieval Romance: A Comparative Study. In R.C. Schlobin (Ed).. *The Aesthetics of Fantasy Literature and Art* (pp. 211-225). Indiana, USA and Sussex, England: University of Notre Dame Press and The Harvester Press.
 29. Tolkien, J.R.R. *Secondary World*. http://tolkiengateway.net/wiki/Secondary_world
 30. Tulaboyev, O. (2017). *Uzbek Folk Study (Antalogy). Some features of uzbek folk tales*. Tashkent. 49 p.
 31. Tymn, M.B., Zahorski, K.J., & Boyer, R.H. (1979). *Fantasy literary: A core collection and reference guide*. New York: Bowker.
 32. Ushakova, D.N. *Explanatory dictionary*. <http://feb-web/ru/feb/ushakov/ush-bc/default.asp>
 33. Vike, M. (2009). The Familiar and the Fantastic. A Study of Contemporary High Fantasy in George R.R. Martin's *A Song of Ice and Fire* and Steven Erikson's *Malazan Book of the Fallen*. University of Bergen. *Unpublished master's thesis*.
 34. Zanger, J. (1982). Heroic Fantasy and Social Reality: ex nihilo nihil fit. In R.C. Schlobin, (Ed)., *The Aesthetics of Fantasy Literature and Art* (pp. 226-237). Indiana, USA and Sussex, England: University of Notre Dame Press and The Harvester Press.